



ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 18 август № 33 (158) •

Сотувда нархи эркин

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Урганчада алоқа жиҳозлари ишлаб чиқарилган завод қурилгандан муштарийларнинг хабари бор. Ўзбекистонда бундай заводнинг қурилиши катта воқеалар. Корхонада қандай ишлар амалга оширилляпти? Ўз кутаетган алоқа жиҳозлари завод қачон маҳсулот бера бошляпти? Шу ҳуссада Алоқа вазирлиги Саноат, қурилиш ва таъминот бўлими бошлиғи Абдулла ОРҒИПОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Шу пайтгача республикамизда юксак даражадаги технология асосида алоқа воситаларини ишлаб чиқарилган корхона йўқ эди. Тугри, кичикроқ корхоналар бор, лекин улар талабга тула жавоб беролмайди. Чунки улар асосан ёрдамчи жиҳозлар ишлаб чиқарди. Урганчдаги қурилган алоқа жиҳозлари заводи эса ҳозирги кун эҳтиёжини тула-туқис қондириш имконини беради. Корхона қуриш асида 1988 йили бошланган. Ушанда у кичик ва ёрдамчи алоқа жиҳозларини ишлаб чиқаришга мулжалланганди ҳолос. Ҳозирги кун замонавий технология асосида ишлаб чиқаришни йулга қуйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

Завод биносининг асосий қисми қурилган бўлсада, уни қайси йўналишга буриш анча вақтгача номатълум бўлиб турди. Жумҳуриятимиз мустақил бўлиб, ҳар бир республика ўз тақдирини ўзи белгилай бошлагач, Алоқа вазирлиги Урганчдаги алоқа жиҳозлари заводи масаласида бироз бош қотиришга тугри келди.

Вазият урганиб чиқилгач, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган замонавий рақамли телефон станцияларини республикамизда ишлаб чиқариш масаласи пайдо бўлди. Шу боис Урганчдаги алоқа жиҳозлари заводи замонавий электрон рақамли АТСлар ишлаб чиқарилган қўшма корхонага айлантириш зарурати туғилди. Бу борада ишончли ҳамкор лозим эди. Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» фирмаси шерик сифатида танлаб олинди. Шундан сунг ишлар жонланиб кетди, таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошланди. Низомга қура, Алоқа вазирлиги даромаднинг 49 фоизига, Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» фирмаси эса 51 фоиз

зига шерикчилик асосида иш олиб борадиган бўлишди. Фирма Президенти жаноб Ю Ки Бем, фирма директори жаноб Ким Топкентга келишди. Улар Алоқа вазирлиги раҳбарлари билан Урганчга боришди. Икки томонлама таъсис ҳужжатлари имзоланди. Томонларнинг келишувига мувофиқ, вазирлик завод қурилиши харажатларининг бир қисмини тулайдиган бўлди. «ДЭУ-Телеком» фирмаси эса замонавий машина ва станоклар, технологик жиҳозларни келтириб урнатиш, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш харажатларини ўз буйига олди. Мустақиллик байрами арафасида бундай ҳужжатларнинг имзоланиши хайрли ишнинг бошланишидан далолатдир.

Урганчдаги алоқа жиҳозлари заводи келдуси йили мустақиллик кунига биринчи маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиряпти. Завод маҳсулотларининг учдан бир қисми бошқа мамлакатларга ҳам экспорт қилинади. Бу қўшма корхонанинг рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришидан далолат беради. Хоразм вилоятида шундай завод қурилишининг яна бир хайрли томони — воҳа аҳолиси қўшимча иш жойлари билан таъминланади. Марказий Осиеда ягона алоқа заводи ишга туширилса, йилга умумий микдори 100-150 минг линияли АТС ишлаб чиқариладиган бўлади. Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача булган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш Миллий дастурини амалга ошириш борасида дастлабки қадамлардандир.

Сўхбатни Иззат АХМЕДОВ эътибор билан



Суратда: 36-33 АТС кросс электромонтёри Марям ҚУЧҚОРОВА иш устида.

Ривожланган мамлакатларнинг Ўзбекистонда телекоммуникация ривожига маблағ ажратиши яхши анъана бўлиб қолди. Жанубий Корея ҳам бу хайрли ишдан четда қолмайдиган бўлди.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Корея Республикаси элчисининг иқтисодиёт бўйича маслаҳатчиси жаноб Ли Жи-Ханинг маълум қилишича, икки мамлакат уртасида Ўзбекистонга алоқа тизимларини ривожлантириш учун имтиёзли кредит бериш тугрисида келишиб олинган. Алоқа тармоғидаги аҳволни узлари таҳлил қилиб қурган Жанубий Кореялик мутахассислар бу кредитнинг 15 миллион АҚШ доллари микдорида бўлишини тахмин қилмоқдалар. Кредит йигирма йилга, энг кам микдордаги фоиз ҳисобидан берилди. Шартномани жорий йилнинг охиригача имзолан кузда тутилган.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар

• Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи микдорларини ошириш тугрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиегатининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг хужалик ҳисобидаги бўлиmlарини давлат ҳиссадорлик компанияларига айлантириш тугрисида» Фармон чиқарди.

• Россия Президенти Борис Ельцин дудаевчилар имзоланган ахллашувларга рию эътмсалар, уларга қарши шопилинч, шу жумладан қатъий чоралар қурилиши тугрисида огоҳлантирди.

• Туркманистон пойтахти Ашхобда 10 мамлакат аъзо булган Иқтисодий Ҳамкорлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси иш бошлади.

• Украина халқаро ядровий хавфсизлигининг Чернобил марказини ташкил этишда ташаббускор, уран қазиб олувчи ва атом бомбаси бор давлатлар эса ушбу ташкилотнинг асосчилари бўлиш лозим. Украинанинг қатор сиесий ва жамоат вакиллари Президентга ушбу гоя билан мурожаат қилдилар.

• Қалмиқистоннинг Миллий Кенгаши Президент Кирсан Илпожининг ваколатларини 2000 йилгача узайтириш тугрисида қарор қабул қилди.

• Доғистон Бош вазири Абдуразоқ Мирзабековга суғасқад ушлтирилди.

• Литва Президенти Альгирдас Бразаускас президентлик муддатига 2,5 йил тулиш муносабати билан миллий телевидение орқали республикада амалга оширилган вазифалар тугрисида халққа ҳисобот берди.

• «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпаниясининг «ИЛ-76» самолети табиий офатдан зарар қурган Покистоннинг Лоҳур шаҳрига дорн-дармон, пойабзал, болалар кийимлари ва ёпинчқлардан иборат 21 тонна инсонпарварлик ердами келтирди.

• АҚШнинг Европадаги иттифоқчилари Босниядаги вазиятни тинч йул билан ҳал қилиш буйича Билл Клинтон маъмуриятининг янги ташаббусини қўллаб-қувватлади, деди Оқ уй матбуот котибининг уринбосари Калвин Митчел.

Газетамизнинг жамоатчилик кенгаши аъзоси, алоқачи мўҳандис Тўлқин Ўлутфуллаев фаол, жонқияр муаллифларимиздан. Унинг дозарб мавзудаги мақола ва сўхбатлари, фотосуратлари мухбирларга яхши таниш. Мухбиримиз Тўлқин ака билан учрашиб, сўхбатлашди.



— Тўлқин ака, Сизнинг алоқачи мўҳандисликдан ташқари яна бошқа хўнарларнинг бўлигини билгач, алоқачига ҳам етмиш хўнар оз экан-да деб ўйладим. Аввало, журналистикага қандай қизиқиб қолганингизни ҳақда гапириб берсангиз.

— Табиатан ёлгон гап, қалдобиқ, адолатсизлик, поряхурлик, ноинсофлик каби иллатларни жуда ёмон кураман. Кишилардаги меҳнатсеварлик, зукколик, ҳождатборлик, камтарлик, фидойилик каби фазилатларини эса жуда қадрлайман. Биринчи мақолам куз олдимида содир булган воқеа ҳусусида ёзилган. Мақола «Тошкент ҳақиқати» газетасида «Автопаркдагилар нима дейди» сарлавҳаси билан босилиб чиқди. Уша йўналишдаги автобус ҳаракатида тартиб

МУСТАҚИЛЛИК ТАНЛОВИГА

АЛОҚАЧИГА ЕТМИШ ХўНАР ОЗ

урнатилганлиги ҳақида хат олдим. Одамларга нафим текканидан хурсанд бўлдим. Шейрлар машқ қилиб юрдим. Шулардан бири — «Номаълум солдатга» деган шеърим 1979 йили «Тошкент оқшоми» газетасида босилди. Шундан кейин матбуотда қатнашиб туришга қизиқиш уйғонди, лекин газета талаби даражасида ёза олиш анча мушкул иш эди. Бунинг учун иқтидор, билим ва малака зарур. 1981 йили «Тошкент ҳақиқати» газетаси қошидаги ишчи-мухбирлар университетига кириб ўқидим. Шундан буён газета ва журналларда баҳоли қудрат қатнашиб келмоқдам.

— **Фотографияни қерда урганганиз?**

— Бунинг ҳам узига яраша тарихи бор. 1976 йили дўстлар билан Зоминга дам олишга борадиган бўлдик. Огайниларга «Ким суратта олишини билади? Биронга-гизда фотоаппарат борми?» десади, ҳеч кимдан садо чиқмади. Ишхонамида Вадим деган йилгит суратга олиб юрарди. Шундан илтимос қилувдим, суратга олиш жарасини унинг фотоаппаратида курсатиб, ашпаратга пленка қуйиб берди. Шундагина қулумга биринчи бор фотоаппарат олдим. Зоминда олган суратларимдан унотчасини хитила дуруст чиқди. Фотографияга қизиқиб қолдим. Аста-секин фотоаппарат ва бошқа керакли жиҳозларни сотиб ола бошладим. Шу

соҳадаги адабиётларни ўқидим. Қисқаси, фотографияни мустақил ургана бошладим, газеталарда чиқётган фотосуратларини диққат билан кузатадиган бўлдим. Фотография ҳам ижодий иш, узига хос сир-асрорлари кўп булган хўнар экан. Мен олган биринчи сурат 1981 йили «Тошкент оқшоми» газетасида мақоласи билан бирга чиқди.

— **Профессионал журналистлар орасида ҳам мақола ёзиб, ҳам суратга оладиганларини жуда кам. Утган йиллар давомида қандай ютуқларга эришдингиз? Бирон газета ёки журналга ишга ўтшини ўйлаб кўрмадингизми?**

— Аввало мен алоқачиман. Журналистикани ҳам, сураткашлиқни ҳам даъво қилаётганим йўқ. Газета, журналлардаги қойилмақом мақола ва «гапириб юборадиган» суратларни курганимда уларнинг муаллифларига ҳавасин келди. Езган мақоламнинг ҳажими, мавзусидан қатъий назар, агар у қалам тегмай чиқса, «чамаси мақолам газета талабига жавоб берипти» деб жуда хурсанд буламман. «Халқ сўзи»-да босилган «Ишончим комил», «Навоийи курганда», «Тошкент ҳақиқати»даги «Зилол сув каби», «Уйламай босманг тиканини», «Ватан маҳалладан бошланади», «Қайтиш», «Химоя», «Бог кучадан утганда», «Хабар»даги Узбекистон

Алоқа вазирлигининг раҳбарларидан бири булган кекса алоқачи, раҳматли Юсуф Ҳошимович Мухамедов ҳақидаги туркум мақола ва ҳикояларини ўзимча эслашга арзийдиган ишлар қаторига қўшим келди. Мавриди келганда озгина мақтаниб ҳам қўяй. Утган йиллар давомида Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг 3-даражали дипломи ва уч марта фахрий ерлиги билан мукофотландим. Газетага ишга ҳам таклиф қилишди, лекин касбим тўе «ешликда берган кунгли»дек бўлиб қолган, воз кечолмайман.

— **Тўлқин ака, назарингизда алоқачи соҳаси ва алоқачилар фаолияти газеталарда кам еритилади. Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?**

— Сабабларидан бири — алоқа хизматининг хизмат курсатиш соҳаси эканлигида, шунинг учун алоқа хизматининг жамиятимиз тарраққетидаги ва кундалик ҳаётимиздаги ўрни алоҳида бўлсада, қишлоқ ҳужалиги, ишлаб чиқариш, саноат, транспорт, энергетика ва бошқа муҳандислик соҳалари орасида «қуринмай» қолди. Алоқачилар орасида «Алоқа ҳавога ўхшайди, борида сезишмайди, йўғида нафаслари бутулади» деган ибора бор. Бу гап жуда кўп маънога эга.

Ишчи-мухбирлар университетида ўқиб юрган кезларимда устозларимиз «Бирон корхона ёки ташкилот ҳақида ёзишдан олдин уша соҳани урганнинг» деб кўп таъкидлашарди. Шу маънода алоқа хизмати, айниқса элери алоқаси журналистлар учун анча мураккаб соҳа. Бунинг устига алоқа техникаси мунтазам равишда ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Кечати бийонидек алоқачи муҳандис, агар уз устида ишламаса, бугунга келиб уз-ўздан оқсаб қолиши мумкин.

Балки шунинг учундир, қалам-қашлар орасида алоқа соҳасини муқаммад биладиган журналистни учратганимча йўқ. Суратга олиш ҳам шунга ўхшаш. Матълумки, алоқа техникаси қанча қийинчиликлар билан монтаж қилинади ва соланади, кейинчилик уни бирон ёққа қўзатиб бўлмайди. Техникага хизмат курсатадиган ходимлар эса доимо иш билан банд бўлишади. Бунинг устига сунъий еритиш асбоблари билан суратга олиш керак бўлади. Бундай шароитда ҳар қандай тажрибали сураткашнинг ҳам имкониятлари чекланиб қолади, ҳамма ҳам «бошини қотириги» келавермайди. Тўғри, алоқачиларнинг узига ҳам кўп нарса боғлиқ. Афсуски, алоқачилар орасида матбуотда қатнашиб туривчилар бармоқ билан санарилдир. Таҳририятларга эса алоқа соҳасини еритувчи материаллар кам келади, мен ҳар бир олий маълумотли муҳандис уз фикрларини содда, раван ва қисқа ифодали олиши керак деб ҳисоблайман. Алоқачиларимиз қандай ёза олишларидан қатъий назар, ақалли уз газеталари бўлмиш «Хабар»да фаолроқ қатнашиб туришса айни муълумо бўлур эди. Афсуски, матбуотнинг аҳамиятини ҳамма ҳам бирдай тўғри тушунавермайди.

— **Мазмунли сўхбатингиз учун ташаккур.**

Ш. АКБАРОВ
сўхбатлашди

(Т.Ўлутфуллаев фотосуратидан намуналар биринчи ва учинчи саҳифаларда берилмоқда.)

Биринчи-гурӯҳ аскарлик ногирониман. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Кафанова-Полторацкой кўчаси, 1-уй, 111-хонадонда яшайман. Хасталигим туфайли тез-тез тиббий ерданга муҳтож бўламман. 1994 йил бошида Миробод тумани алоқа тармоғига, сўнгра ра-

РАНЖНОМА

маяпти, сизга йўл бўлсин, деб жавоб қайтарилди.
Миробод тумани алоқа тармоғи раҳбари учун ҳукуматимизнинг биринчи гурӯҳ ногиронларига бер-

ҚАЧОНГАЧА ЛАҚИЛЛАТИШАДИ?

дио орқали Тошкент студиясининг туғридан-туғри мулоқот эшитиришига телефон масаласида ердан сўраб мурожаат этган эдим.

Миробод тумани алоқа тармоғидан 1995 йилнинг биринчи чорасида албатта хонадонингизда телефон бўлади деган жавоб олдим. Аммо ваъда бажарилмади. Кута-кута чарчадим. Шу йилнинг май ойида қийналиб бўлса-да, икки марта алоқа тармоғига бордим. Юрмаслигини айтиб, алоқа тармоғи бошлиғи Ризаевни узим утирган машина енига таклиф этдим. Лекин Ризаев менинг илтимосимга парво қилмай, ҳатто қўлоқ ҳам соймай, «ГАЗ-24»га ўтириб, «ҳозир келаман» деди-ю жуфтани ростваб қолди. Кута-кута сарсон бўлиб, икки кун ўтгач, турмуш урғоғини юбордим. Бу сафар эса турмуш урғоғимга, сиздан бели бақувватлар ҳам телефон туширишол-

ган имтиёзлари ҳам бир пул эканда. Дарвоқе, бели бақувватлар турганда менига ўхшаган бир ногирондан Ризаевга қандай наф бор?..

Тошкент шаҳар радиоланштириш ва телефонлаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси Шухрат Одилов ҳам амалий ердан беролмаслигини, ҳамма иш Ризаевга боғлиқ эканлигини айтиб, ҳафсаламни пир қилди.

Мустақил Республикаимизда хизмат вазиғасига кўра одамларнинг мушқулдини осон қилиб, дардига малҳам бўлиш урнига масъулиятсизлик ва бепарволикни касб қилиб олган раҳбарлар учун шаҳар бедарвоза бўлмасе керак.

Мутасалли идоралардан жавоб кутаман.

Хайриддин МУҚИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар радиоланштириш ва телефонлаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси «Тошкент шаҳридаги барча корхона ва ташкилотларнинг телефонлар маълумотномаси» қуланмасини нашрга тайёрлаган эди. Ушбу китоб босмадан чиқди. Унда сизга керакли булган корхона ва ташкилотлар ҳақида қисқача маълумот тушланган.

Агар сизга ушбу китоб зарур бўлса, ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:
54-07-40, 55-77-17.



Баҳолир Қосимов раҳбарлигидаги «Ташаббускор» жамоа корхонасининг аҳил аъзолари фидокорона меҳнатлари, эришган ютуқлари билан тармоқ корхоналари орасида тилга тушмоқдалар.

Суратда: Корхонанинг бўёқчилари Т. ДАЛАБОВЕВ ва А. НИЁЗМУҲАМЕДОВЛАР «Ўзбектелеком» концерни биносидаги хоналарни таъмирлашмоқда.
Суратқаш А. РИСКИБЕВ

МАЪРУЗА ТИНГЛАНДИ

«Ўзбектелеком» концернида Япония телекоммуникацияси ва унинг ривожини ҳақида маъруза уюштирилди. Тингловчилар томонидан зур эътибор билан эшитилган бу маърузани Япония халқаро дустлик алоқалари (ЯМАС) эксперти, жаноб Я. Сутяма ўқиди.

Ушбу халқаро ташкилот замонавий техникани урганлиш, инженер-техник ходимларни тайёрлаш, экспертларинг ривожланиётган мамлакатларга юбориш, курсатиладиган хизмат даражасини урганиб, маълум ҳудудга келиш ҳамда алоқа воситалари учун асбоб-ускуналарни етказиб бериш каби муҳим масалалар билан шугулланди. Кунчиқар мамлакатнинг етук мутахассислари ривожланиётган мамлакатларга, жумладан Ўзбекистонга ҳам уз хизматини тавсия этиди.

Обиджон УСМОНОВ,

«Ўзбектелеком» концерни етакчи муҳандиси

АЛОҚА МАТБУОТ КЎЗГУСИДА

АЛОҚА ХИЗМАТИ ҚИММАТЛАШДИ

1 августдан бошлаб Москва шаҳрида аҳоли ва давлат бюджетига қарашли ташкилотлар учун алоқа хизмати тарифлари оширилди. Москва шаҳар телефон тармоқларидан олинган хабарга қўра, энди бир ойда телефон учун туланилган ҳақ 12000 рубль (илгари 6000 рубль эди) бўлди. Коммунал хонадонлар учун ойлик телефон ҳақ 14 минг 400 рубль, бюджет ташкилотлар учун эса 20 минг рубль белгиланди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАДАН ТАШҚАРИ КУПАЙДИ

Литва ҳукуматининг матбуот буйича назорат бошқармаси раиси Шведрис Шви́партас журналистлар билан сўхбатда матбуот ҳақидаги қонунга ўзгартиш киритиш таклифини илгари сурди.

Матбуотнинг назорат қилиш бошқармасининг маълумотларига қўра, айни пайтда Литвада 500 та газета, 305 та журнал нашр этилмоқда, 739 та босма хона, 51 та радиостанция, 104 та телестудия ишлаб турирди. Уларнинг кўпчилиги ҳусусий ҳисобланади. Бошқарма бошлиғининг эътироғи эътишча, ушбу оммавий ахборот воситалари Литвадек кичик мамлакат учун жуда кўндир.

ОЙБЕК — БУЮК ШАХС

Ойбек дейилганда болалгимизда бизларга ҳамроҳ бўлган «Қутлуг қон», «Навой» романлари, «Ўзбекистон», «Наъматак» каби дилбар шеърлар муаллифи кўз олдимизда гавдаланади.

Эллингичи йилларнинг бошлари эди. Биз болалар мактабга ўқишга кетар эканмиз, синфдош дустим Анвар:

— Езувчи Ойбек кетяптилар, — деб қолди.

Бундоқ қарасам, баланд бўйли, барваста Ойбек домла Собир Раҳимов кинотеатри ёнидаги йулакдан бир-бир қарам ташлаб, оқиста кетиб борардилар. Биз адибни кузатиб, қорама-қора кетавердик.

Ойбек домла ҳар тонг худди шундай куча айланар, шошмай ҳар дарахт, ҳар уткинчига меҳр тула кузлари билан боқар ва яна оқиста йулда давом этарди. Менинг назаримда, Ойбек домланинг ҳар учраган одамда бирор зарур гапи бордай тикилар, пинҳона сузлашгандай булар ва яна йулда давом этар эди. Биз дустим Анвар билан ҳар куни буюк адибни кузатар, уни фариштадай пайдо бўлишини орақиб кутар эдик. Йиллар ўтди. Биз адибнинг асарларини ўқиб, урганиб усдик. Навоий ҳам, Йул ҳам бизнинг назаримизда Ойбек домланинг узлари бўлиб туюларди.

Мен Дорилфунунни тутатгач, Бадиий адабиёт нашриятига (ҳозирги Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашрияти) муҳаррир бўлиб ишга ўтдим. Ушанда, олтмишинчи йилларнинг урталарида узим севган домланинг «Фронт бўйлаб» кундалик-хотира китобини муҳаррир сифатида куриб чиқишимга тугри келди. Буюк адибнинг асари мукамал эди. Асар таҳрирдан чиққан сунг уни Ойбек домла куриб чиқдилар. Таҳрир алло-

мага маъқул келибди. Сал ўтмай у китоб бўлиб чиқди. Бир куни эрталаб ишга борсам, нашриет директори Т. Рустамов мени ҳузурига чақириб қолди. Гуноҳ иш қилиб қуйгандай, ҳузурга кирдим. Тулқин ака эса менга кучоқ очиб:

— Табриклайман сени! — деди-ю қўлимга бир хатжилд узатди. Хатжилд Ойбек домладан эди. Унинг ичида анчагина — 100 сум пул ҳам бор эди. Хатжилда китоб муҳарририга деб менинг номин эзилганди. Бу ҳурмат ва эътибордан бошим осмонга етганди.

Улкан адибнинг сахийлиги меҳрибонлигини ҳали-ҳамон эслаб юраман.

Алломанинг тенгдош ижодкор дустлари Гайратий, Гафур Гулом ва Абдулла Қаҳҳорлар ҳам Ойбекнинг ута соддалиги, сахийлиги, ишонувчанлиги ва самимилигини тез-тез эслаб турардилар.

— Ойбек, — деб эсланганди Гайратий домла, — ҳамма гапта болалардай ипонаверди. Сахийликда-ку унга етадигани йўқ.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида Езувчилар уюшмаси йиғинларидан бирида Абдулла Қаҳҳор бетоб адиб Ойбек ҳақида шундай дегани ҳали-ҳали эсимда:

— Эллингичи йилларда кимнинг қўли буш бўлса, Ойбекни урди. Қўли бандлари эса оёғи билан тепиб ўтди. Аммо улкан Езувчини ҳеч ким йиқита олмади, фақат бетоб қилиб қўйдилар.

Ҳа, бу бетоблик домла умрининг охиригача давом этди. Аммо адиб ҳеч қачон қаламини қўлдан қуйган эмас. Ойбекни ҳеч нарса енга олмади. У ҳамон халқ орасида уша-уша улкан ва буюк адиблигича қолиб келяпти.

ТУЛҚИН

Ажаб дунё

«КАННИБАЛ» НИМА ДЕГАНИ?

Одамхўрларни нима учун «Каннибал» дейишларини биласизми? Бу сўз вест-индиядаги канниба қабиласи номидан олинган. Овруполиклар бу ерда биринчи марта одамхўрликни куришганди. Одамхўрлик муқаддас одат, диний маросимнинг бир куринишига айланди. Айрим ёввойи қабилаларда улимга ҳукм қилинган жиноятчиларни сийш одат тусига кирди. Ер юзиде қанча одамхўр қабилалар борлигини аниқ айтиш қийин.

КИМ КУП ИШЛАЙДИ?

Японияликлар сайёрамизда энг кўп меҳнат қилувчи халқдир. Статистик ҳисоб-китобларга қура, ҳар бир япониялик йилга уртача 2096 соат ишлаб чиқаришда банд буларкан. Иккинчи урида Швейцария (1966 соат) америкаликлар эса йилга уртача 1909 соат иш билан шугулланиб, дунёда учинчи уринни эгаллаб турибдилар. Бу маълумотлар Олмония статистик нашрларида эълон қилинган.

Бу одам билан қўшни маҳалладаги уртоғим орқали танишганман. Ушанда у бузилиб қолган телевизиорини келиб тузатиб берганди. Иш орасида бироз гурунлашдик.

Устанинг ташки куриниши одамни андак сергалантиради: соч-соқоли ўсиб кетган, кийинини ҳам анча хароб эди. Аммо суҳбат давомида у ҳақдаги фикрим

тарлиқни йиғиштириб қуйиб, соҳамга сал-пал дахлдор бўлган ҳар қандай ишни эплэйверман деди. Устага омад тилаб, хайрлашдим. Хизмат ҳақини бошиқа усталарга нисбатан икки ҳисса кам олди. Айрим тоифа одамлар ҳамма нарсани бозор иқтисолиетиға туникаб, инсоф-диенатни унутиб қуйишгаётганда устанинг бу олати диққатга сазовор фазилат эди.

гиз қўли гул уста экансиз. Нета бунақа... қийналиб юрибсиз? Сизнинг ўриниғизда бўлсам шу хунарининг орқасидан шоҳона яшар эдим.

Уста юзимга узоқ тикилиб турди-ю ҳафсаласи пир бўлгандай секин қўл силтаб, жунаб қолди. Чамаси, хатти-хара-

Турмуш чорраҳаларида

ҚўЛИ ГУЛ УСТА, АММО...

узгара борди. Одамнинг тафаккур тари, ички маланияти аввало муомала-мулоқот орқали аён бўлишига яна бир сарга амин бўдим. Қаршимдаги ҳам етук савияли бир эиелни эди.

У нуфузли олий ўқув юртларидан бирида таълим олган, бироқ охиригача ўқий олмаган экан. Айрим таниқли олимлар билан ҳамкорлик қилганлигини ҳам били олдим. Айни чоғда ишласам, аммо ишлашни хоҳлар экан.

Нега ишласанлигини сурашга ҳоҳат қолмагандек туюлди. Сабаби— у ичар эди... Телевизиорни тузатаётиб ҳам аҳен-аҳен, худди чанқовбосди қилатгандек «қиттак-қиттак» отиб турар, тге шу зорманда бўлмасе калласи яхши ишласам эди.

Ҳали дурустроқ таниш бўлмаганимиз учун, ундан нега ишламайсиз деб сурашга истиҳола қилдиму қандай ишлар қўлидан келиш-лигини сурадим. Уста сохта кам-

Орадан бир йил ўтгач, умри туғаб бораётган эски телевизордан ишқал чиқиб, уста билан яна учрашдик. Сездимки, унинг ҳаётида ҳеч нарса узгармабди: афт-ангор уша-уша. Энг ёмони — ҳалиям ишласам экан. Тирикчилиги тасодифан учраб қоладиган шунақа «чап» ишлар ҳисобига утар, айрим олгирларга ухшаб ўзини утга-чўққа уриб, бирни иккига уриштиришни билмагани, камтар-камсуқумлиги боисми— турмуш-турмуши жуда ночор экан. Бундан ҳам ачинарлиси — ичишга баттар ружу қўйибди...

Уста ишни битиргач, хизмат ҳақи учун сураганидан икки ҳисса кўпроқ пул бердим. Зурга олди. Азбаройи ачинганимдан кунелимдаги гапни айтиб юбордим.

— Менга қаранг, биродар! Узин-

катидан барибир мени ҳеч ким тушунмайдиган маъно бордай эди.

Шу аснода шоирнинг «О инсон қисмати, бунчалар чигал, бунчалар хилма-хил, фоже ва аъза» деган мисралари хаелимдан ўтди.

Эҳтимол, ҳаёт суқмоқларида менга дуч келган бу инсоннинг қисматида фақат унинг узигагина аён бўлган мураккаблиқлар, чигалликлар бордир. Аммо одамзолда ақлу гидрок, онгу шуур, куч-ирода нима учун берилган? Бешафқат қисмат қўлида уйинчоқ бўлиб қолмаслик учун эмасми?

Хуш, Сиз бунга нима дейсиз?

Ш. ОТАБЕК



Юсуф ТОВАСЛИЙ

ҲАЛОЛЛИК

Имом Аъзам савдогар Ҳафс бин Абдурахмонга бир туپ мол олиб жунатди. Юборган молда нуқсонли кийим борлигини кейин билиб қолди. Дарҳол Ҳафс бин Абдурахмонга мактуб эди ва кўсурли молни харидорга кўрсатиб соттин, деб ўқтирди.

Мактуб келгунча Ҳафс бин Абдурахмон молдаги кўсурлан бе-хабар бўлганидан, молни харидорга кўрсатмай сотиб юборди.

Кийимларнинг пули ва нархи ҳақида хабар берувчи бир мактуб

эиб, Имом Аъзамга жунатди. Имом Аъзам савдогар жунатган 30-35 минг пулни олмай қайтариб юборди ва унга мактуб эиб, харидорнинг ҳақини қайтариб беришнни буюрди. Аммо харидордан ҳеч қандай дарақ бўлмади.

Имом Аъзам, бу пулни уз пулига қўшмай садақа қилишини буюрди, токи савоби ул харидорга ҳам тегсин деб. Ҳафс бин Абдурахмон билан эса алоқасини узди.

ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

Турисини айтиш керак бўлса, яхшиси бошқа нарсалар ҳақида гап-лашайлик.

x x x

Инфарктта элтадиган йул ундан қочадиган йулга нисбатан марокқироқдир.

x x x

Адашган қўйларнинг тушти мазали бўлади.

x x x

Обруйингни тушириб қуйгач, узингни у сепини эмасдек тут.

x x x

Сендан нимани кутишгаётганини билмай туриб ҳақиқатни айтиш қийин.

x x x

Цейтнотга (вақт танглиги) қуп уйлаган эмас, керакли нарса ҳақида уйламаган одам тушади.

x x x

Олдин нима бўлган — товуқми еки тухум — буни фақат хўроз билади.

x x x

Маъсуляйдан қочаётиб навбатчи қолдириб кет.

x x x

Купинча нуқтаи назар билан танч нуқтаси бир-бирига тугри келмайди.

x x x

Ман қилинган неъматлар ҳаминиши дирқилиб туради.

МУАССИС:
Ўзбекистон
Республикаси Алоқа
Вазирлиги
●
Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Екўбжон ХУЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Буривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Саидмахмуд АҚБАРОВ
Шоҳруҳ АҚБАРОВ
Меҳмонкул
ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тулқин
ЛУТҒУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧАҚАДИ

Муҳарририятта келган кўлэмлар (2 орақликда, 5 бетдан ошмаслиға эришим) ва суратлар муаллифларга қайтаришмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар маъсуляията муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олин №000011. Буюртма №1-6318. 9894 нуسخада чов элади
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 123456

